

## Мактаб ўқувчилари ТИҚХММИга қизиқиш билдиromoқдалар

Немис тилига ихтисослашган 60-сонли мактаб ўқувчилари институтимизга ташриф буюришди. Мактаб ўқувчиларида дастлаб, “Инновация ва илмий тадқиқотлар кластери” ва ундағи илмий фаолият ҳақида маълумот берилди. Кластерда инновацион технологиялар ва хафталик олиб борилаётган семинарлар мақсади ва мазмуни ёритиб берилди.



Сүнгра, ўқувчиларни Д бинонинг лабораториялари ва ундағи замонавий гидротехник иншоотларидан фойдаланиш ҳамда улардан реал ҳаётда қўлланиш кўлами ҳақида маълумот берилди. Навбатда Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан молиялаштирилган “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасидаги сув ресурсларидан автоматлашган тарзда фойдаланишни илмий лабораториясига ташриф буюришди.



Магистрант Эъзознинг сувдан фойдаланишда автоматлашган тизимдан фойдаланишнинг ижобий томонлари атрофлича ёритиб берилди. Сүнггида халқаро ҳамкорлик бўйича проректор А.Салоҳиддинов мактаб ўқувчиларига институттинг таълим, илмий ва халқаро фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди. Мактаб ўқувчилар ўзлари қизиқтирган саволларига жавоб олишди ва институт раҳбариятига уюштирилган ТИҚХММИ бўйлаб сайр учун ўз миннатдорчилигини билдиришди.

**Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ш. Раҳмонов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**